

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ  
ХҮЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИ  
САТТОРОВ ОРИФЖОН БОЙМУРОДОВИЧ**

**МАВЗУ: Фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни  
ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини  
такомиллаштириш йўналишлари**

**РЕФЕРАТ**

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарбилиги.** Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан аграр соҳада ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва эркинлаштириш борасида қўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалигида айниқса, мева маҳсулотларини етиштириш ва уни бошқа давлатларга экспорт қилиш имкониятларини излаб топиш зарурлигини қўрсатмоқда. Бу эса ушбу мавзунинг бугунги кундаги долзарбилигини акс эттиради.

Аграр секторда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири бу мустақил фаолият қўрсатиш учун мустаҳкам ҳуқуқий, иқтисодий шароит яратиш, шунингдек иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, давлат мўлки монополиясига барҳам бериш, хақиқий ер эгаларининг яъни мустақил хўжалик юритувчи субъектлар (фермер ва дехқон хўжаликлари) фаолиятини барқарор ривожлантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини оширишда, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришини ташқил этиш ва амалга оширишда айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳамда улардан самарали фойдаланиш масаласи муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

2016 йил якунларига кўра, Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташқил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташқил этди.

Бу прогноз қўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Кичик бизнес субектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисботларини тақдим этиш механизmlари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Фермер ва дехқон хўжаликлар агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги

тариҳида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.<sup>1</sup>

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида айланма воситага бўлган эҳтиёжни ўрганиш, айланма маблағлар билан ўз вақтида ва етарли таъминланиш ҳамда улардан тўғри фойдаланишини ташқил этишнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Етиштилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички истеъмол бозорларимизни таъминлаб, чет элга экспорт қилиш имкониятини шакллантирди ва мамлакатимиз олтин – валюта захирасини ортишига хизмат қилмоқда. Лекин, жаҳондаги ўзгариб бораётган иқтисодий шароитнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларига таъсирини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қилувчи омиллар таҳлилини ўз вақтида маниторингини олиб бориш асосида, талаб ва таклифни ўзгаришига жавоб берадиган механизмларни ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жалб этишни талаб этади. Бунинг учун аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг ташқилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда аграр соҳада агротехнологияларни жорий этиш, самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари ва имкониятларини аниқлаш, бу борадаги муаммолар ва уларнинг илмий-амалий ечимларини излаб топиш даркор.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг жаҳон савдо тизимиға интеграциялашуви ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи меъёрий-хуқуқий базани шакллантириш, молия-кредит, бюджет-солиқ, нарх ва божхона механизмларини такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари етарлича ўз ечимини топмаган. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаштириб жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Шу муносабат билан турли шакллар, усуллар, механизмлар ва дастакларни қамраб олган, агросаноат мажмуасининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш ҳолатига мос келувчи, тармоқнинг рақобатбардошлиги ва ижтимоий-иктисодий барқарорлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон озиқ-овқат ва аграр бозорларига интеграциялашув тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблиқ касб этиб бормоқда ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши талаб этмоқда.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси

Аҳолининг мева билан таъминланишини юксалтириш учун энг аввало, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини, фан-техника янгиликлари ҳамда илғор, самарали технологиялар ишлаб чиқаришга изчил жорий этилишини ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлаш зарур. Шу билан бирга мажмуа таркибидаги қайта ишлаш тармоқлари кўлламини кенгайтириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, сифатли сақлаб, аҳолига ўз вақтида етказиб берилишига эришиш лозим.

Илмий иш мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- миллий агросаноат мажмуасида мевачилик бозорининг тўтган урнини баҳолаш ва ўзига ҳос ҳусусиятларини белгилаш;
- республикада мева маҳсулотлари бозорининг ривожланишини белгиловчи омиллар, тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш;
- мева маҳсулотлари бозори барқарор ривожланиши бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- дехқон ва фермер хўжаликларида, агро фирмаларда мева маҳсулотларини қайта ишлаш усулини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар тайёрлаш;
- мева маҳсулотлари бозорининг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш йулларини белгилаш;
- ер-сув ресурслари чекланган шарт-шароитларда республиканинг мева маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича потенциал имкониятларни, уларни сотиш воситалари ва манбаларини аниқлаш;
- иқтисодиётнинг аграр секторида маркетинг ишларини фаоллаштириш, ташқил қилиш ва унинг мева маҳсулотлари бозоридаги урнини аниқлаш;
- истиқболда аҳоли сони ўсиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда, ўрта муддатли истиқболдан келиб чикиб, мева маҳсулотларига бўлган талаб прогнозини ишлаб чиқиши.

**Тадқиқоднинг обьекти.** Республикадаги мева маҳсулотлари етиштирувчи интенсив фермер ва дехқон хўжаликлари, агро фирмалар, қайта ишлаш корхоналари, сақлаш ҳамда сотиш тизими субъектлари бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқоднинг предмети** бўлиб, мевакуий мажмуи маҳсулотларини сотиш жараёнида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистан иқтисодиётидаги, шу жумладан, қишлоқ хўжалнги соҳаснинг мева ва узумчилик кўйи мажмуаси ривожлантириши бўйича ўтказилаётган озиқ-овқат дастури амалга оширилишида албатта, ўзига ҳос

ислохотлар мухим урин эгаллайди. Бу борада мустақиллик йилларида мазкур мажмуадаги ислохотлар босқичма-босқич тақомиллаштириб борилишига, ҳукумат даражасида кенг кўламда меъёрий-ҳуқукий тадбирлар ишлаб чиқилишига алоҳида этибор қаратилмоқда.

Замонавий интенсив мева-узум боғларни афзаллиги бу дараҳтларининг танаси кичик бўлганлиги учун улар билан ишлаш қулай (ишлов бериш, сугориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевани териш). Бундай боғларда танасига ёруғлик тушиши, хаво айланиши яҳши бўлганлиги учун мевасини сифати юкори бўлади. Мевасини теришда ҳам анча қулайликлар бор, айниқса симбағазга олинган боғларда нарвон ишлатмасдан ҳосил терилади, бунда иш унумли, юкори бўлиши билан бирга тернлган маҳсулотнинг товар сифати ҳам юкори бўлиб, нобуд бўладиган мевалар сони камаяди. Интенсив боғларнинг ҳосилдорлигининг юкорилигини таъминлашда, тупроқни доим озиклантириб туриш зарур. Бунинг учун ҳар йили 30-40 тн. чиринди, 240-260 кг. азот соғ ҳолда, 120-150 кг. фосфор соғ ҳолда ва 60-70 кг. калий соғ ҳолда солиб турилади.

Ушбу агротехник жараёнла ўз вақтида ўтказилса, ҳар бир гектар майдондан 4-5 йили 20-30 тн. Ҳосил олишга эришилади.

Кўзда кўчат экиш учун танлаб олинган майдон плантаж плуги билан 50-60 см. чуқурликда хайдалган бўлиши керак. Агарда майдон хайдалмаган бўлса, баҳорда 35-40 см. чуқурликда ер хайдалиб, текисланиб, кўчат экиш учун режа тортилади. Қишлоқ хўжалигини жадал ўсиши билан жон бошига дон ва мева-узум маҳсулотларига бўлган талаб тез усиб бормоқда. Шу сабабли мева маҳсулотларининг очик ва ёпик ерларга эқилишини бир-бирига қушиб олиб бориш аҳолини йил буйи мева-узум билан таъминлашга имкон яратади. 2015 йилда лойиҳаларнинг тўрттаси мева-узум маҳсулотларини қайта ишлашга йуналтирилган бўлиб, келгусида 1640 тонна маҳсулотни қайта ишлаш кўзда тўтилган.

Бунинг учун чет эллик инвесторлар 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишиди. Шу билан бирга фермер хўжаликлари ва корхоналар Ўзэкспомарказда —Инновацион ғоялар, технологиялар ҳамда лойиҳалар республика ярмаркаси доирасида ўтказилган кўргазмада шартномалар тўзиб, ҳозир уларни ижросига қаратилган ташқилий ташқилий чораларни қурилмоқда. Жумладан, экинларнинг эртапишар, серҳосил навлари уруғларини кўпайтириб, хўжаликларни таъминлашни йулга қўйишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-узум маҳсулотлари бозорини барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар

ишлаб чиқишдан иборат. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 38 та корхона билан 286,9 минг тонна мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан фермер хўжаликлари ва агрофирмалар ўртасида шартномалар тўзилиб, 10,1 миллиард сўм бўнак пуллари олдиндан берилди. Жумладан Бустонлик туманидаги —Агромир Газалкент», Оққўрғон туманидаги —Азия Натурал фаол», Паркент туманидаги —Новдак» ҳамда Суқоқ-шароб» масъулияти чекланган жамиятлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминлашда ислоҳотлар самарадорлигини оширишга. амалда танбиқ этилаётган, чора-тадбирлар туфайли, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики мамлакат иқтисодиётидаги интенсивлаштиришни иқтисодий самарадорлигини оширишни ривожлантиришни муамоларини аникламай ва уларнинг ечимларини топмай туриб, иқтисодий ўсиш, ижтимоий муамоларни айникса ишсизликни олдини олиш, аҳоли даромадларини ошириш, истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспортни ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда кийинчиликлар тугдиради Юкоридаги муоммаларни ижобий ҳал этган Европа Иттифоки мамлакатларида ишлаб чиқариладиган ЯИМнинг 67 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини улушкига тўғри келади.

—Ўзмеваузумсаноатхолдинг асоциациясининг шу тармоғини ривожланишдаги белгиланган дастур режасида маҳсулотларни мева сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 13 инвестиция лойиха, ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 8 лойиха белгиланган. Бу эса ўз вақтида 40 млн АҚД доллари миқдорида йиллик маҳсулот экспортини оширади. Белгиланган лойиҳаларни амалга оширишдаги инвестиция хажми бошлангич баҳоланишда 550-600 млн АҚШ долларини ташқил этади. Ушбу лойиҳалар конатурал-концентратли сокларни, томат пасталарини қадоқлаш, ичимли спир, идиш ва идишларни қадоклайдиган материаллар, қуритилган ва мўзлатилган мева-сабзавотлар ва узумларни ишлаб чиқариш учун илғор технологик ускуналарни сотиб олишга қаратилган.

Интенсивлаштиришни ривожлантириш асосида иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш инфратўзилмасини шакллантириш, йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада кеигайтириш ишларини амалга оширишда

бугунги кунда 3 млрд. 200 млн АКШ долларидан ортик низом жамгармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва Тараккиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги интенсивлаштириши смарадорлигини оширишда иқтисодётида рентабиллик барқарорлигини давлат томонидан тартибга солишда унинг ривожланишини таъминлаш ва жаҳон хўжалиигига интеграциялашувини мустаҳкамлашда миллий иқтисодиётимизга ички ва ҳорижий инвестициялар қўламини кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун ҳукуматимиз томонидан ички ва чет эл инвестициялари учун мамлакатимизда барча шарт- шароитлар яратиб берилмоқда. Юртимиздаги сиёсий иқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳар қандаи сармоянинг асосий гарови ва шартидир.

### 1-Жадвал

#### Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликнинг умуний динамикаси, (барча хўжалик тоифаларида)

Йиллар	Боғдорчилик			Узумчилик		
	Майдон миг,га	Ялпи ҳосил, минг.т	Ҳосилдорлик ц/га	Майдон миг,га	Ялпи ҳосил, минг.т	Ҳосилдорлик ц/га
2009	146,2	851,7	58,2	96,8	589,1	60,8
2010	152,4	851,0	55,8	99,2	589,3	59,4
2011	155,0	1171,8	75,6	100,1	790,4	79,0
2012	166,0	1269,1	76,4	103,4	880,3	85,1
2013	171,1	1402,7	81,9	102,4	790,3	77,1
2014	134,8	1542,9	114,4	76,4	899,6	117,7
2015	135,3	1591,7	117,2	86,4	922,4	119,8
Мутлақ ўсиш	-10,9	740	59	-10,4	333,3	59
Фоиз	92,5	186	201	89,2	156	197

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида

Юқорида келтирилган маълумотлар мустақиллк йилларида республикада сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик барқарор ривожланганлигини кўрсатади. Бу даврда сабзавотчилик майдони 3,2 минг гектар ёки 2,2 фоиз, кўп йиллик мевазорлар майдони 5,3 минг гектар ёки 3,8 фоизга қисқарган, узумзор майдони 18,9 минг гектарга камайганлигига қарамай, боғдорчиликда ўртacha ҳосилдорлик 2000 йилда 47,1 ц/га.дан 2015 йилда 114,4 ц/га.ни ташқил этди,натижада, ялпи ҳосил 1542,9 минг тоннага етказилиб, 2,3 баробарга ўсиш таъминланди.

Таҳлил этилаётган давр мобайнида узумчиликда ялпи ҳосил атиги 54,4 фоизга ортган, холос. Айрим йилларда мевазор ва узумзорларнинг ўртacha ҳосилдорлигидаги жиддий фарқлар асосан табиий-иқлим шароитлари билан боғлик. Хусусан, энг нокулай келган 2005 ва 2006 йилларда мевали дараҳтлар

ва ток айни гуллаган пайтда совуқ тушиши, дул уриши ва жала ёгиши ҳисобига ялпи ҳосил камайган.

2015 йилда жон бошига истеъмол килинган сабзавот миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги белгилаган меъердан 2,2 кг. кам ёки 98,6 фоизга тенг бўлди. 2015 йилда жон бошига истеъмол қилинган мева ва резаворлар Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги меъеридан 60,9 кг. кам ёки 38,5 фоизни ташқил этди. Узум етиштириш хажми, майиз истеъмоли меъёрини ҳисобга олмаган ҳолда, узум кўринишидаги истеъмолни таъминлайди. Қуритилган мева истеъмолининг йиллик меъёри Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан 7,8 кг қилиб белгиланган. Ўзбекистон шароитида 2015 йил кўрсаткичлари бўйича узум истеъмоли аҳоли жон бошига 20,6 кг, мева истеъмоли эса ўртacha 38,6 кг. га тенг бўлди.

2-Жадвал

#### Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича 2015 йилга амалга оширилган лойиҳалар

№	Турлари	Лойиҳала р сони	Ўлчов бирлиг и	Лойиҳаларн и амалга ошириш	Жами талаб етиладига н маблағ, млн.сўм	шундан, талаб етиладига н кредит маблағлар , млн.сўм	Янги иш ўринла р сони
1	Интенсив боғлар	2365	гектар	9816	248517	28371	5704
2	Янги токзорлар	2015	гектар	9880	94217	4430	8219
3	Боғ реконструкция	2660	гектар	12255	43658	2451	
4	Ток реконструкция	1165	гектар	7462	23475	1070	
5	Иссиқхоналар (фермер хўжаликларида )	558	гектар	297	88835	32703	2199
6	Иссиқхоналар (аҳоли томорқаларида )	10025	гектар	154	27208	2536	7053
7	Мўзлаткичи омборхона	181	тонна	102770	146224	72753	711
8	Қайта ишлаш ташқил этиши	247	тонна	318048	235563	142873	2666
	Жами	19216			907697	287187	26552

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида

Боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар аҳоли жон бошига етиштирилган маҳсулотлар хажмидан келиб

чиқади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2015 йилда 2009 йилга нисбатан аҳоли жон бошига мева етиштириш 18,6 фоизга, сабзавот -14,4 фоизга ошган, узум бўйича эса, аксинча, 11,2 фоизга камайган. Ушбу маълумотлар республикамизда таққосланаётган йилларда аҳолининг умумий сони ўсиши давом этганилиги билан изоҳланади. Хусусан, республика аҳолиси сони 2000 йил бошида 20,3 млн. кишидан 2014 йил бошида 28,0 млн. кишига, яъни 7,7 млн. кишига ёки 38,0 фоизга устган. Охирги йилларда аҳолининг муайян даражада табиий ўсиш суръати сезиларли равишда - 2000 йилги 2,2 фоиздан 2015 йилда 1,7 фоизгача, аҳоли миграциясини ҳисобга олганда эса 1,15 фоизгача пасайди.

Республикамиз Президентнинг 2014 йил 15 июлда қабул қилинган — “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантиришдаги қўшимча чора- тадбирлар тўғрисидаги” қарори Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг технологикдаражасини янада оширишда илмий изланишларни фундаментал - тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни давлат томонидан кўллаб- кувватланиб ишлаб чиқаришнинг технологик даражасининг янада оширилиб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош ва сифатли инновацион маҳсулотларни олиб чиқиши таъминлаб, инновацион ишланмалардан фойдаланиш ва илмий техникавий салоҳиятни ривожлантиришда муҳим дастур бўлмоқда. Ҳозирги кунда хорижий инвесторларнинг ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида давлат қонунлари асосида қуллаб - кувватланиши мақсадида улар учун имтиёзлидир. Шу сингари ишалб чиқаришда интенсивлаштиришни янада ривожлантиришда такрор ишлаб чиқариш жараёни бу доимий алоқадорлиги кўриб чиқиладиган ва мунтазам янгидан бошланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёнидир. Такрор ишлаб чиқариш-ўзига ишлаб чиқаришнинг мунтазам жараёнини, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қисмини қамраб олади.

Мамлакатда аграрсаноат мажмуйи қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши окилона ташқил этилишининг муҳим шакли ҳисобланади, шу сингари ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш урни бекиёсdir. Маълумки, ер қишлоқ хўжалиги корхоналарида моддий-техника базаларининг ривожланишда, ихтисосликларининг чуқурлашуви ва ишлаб чиқаришнинг ўсишида, ички алоқадорлигини кучайтиrsa, иккинчи томондан хизмат курсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳамкорликни мустахкамлайди ва ердан туғри фойдаланишҳисобига етиштирилган ҳом ашёларни кам ҳаражат эвазига иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин.

Тадқиқотлардан кўринадики, аграсаноат интеграциясининг самарадорлигини хўжаликлар ихтисослашувига ўзвий боғлиқдир. Жумладан,

узумни ишлаб чиқариш қайта ишлаш корхонасини айнан шу маҳсулотни этиштирадиган фермер хўжаликларига ихтисослаштириш имкони борича ушбу ихтисосликка йуналтирилган фермер хўжаликларига йуналтириш мақсадга мувофиқдир ва шу сингари қишлоқقا саноат корхоналарини киритиш, истеъмолчиларга мақсулотларни тўла ва сифатли етказилишини таъминлайди, пировардида, маҳсулотларни корхоналарга ташиш ҳаражатларини кескин қисқартиради.

Шунингдек қишлоқ хўжалигига саноатни олиб кириш қишлоқдаги ишсизликка қисман бўлсада барҳам беради. Шу сабабли, республикамизнинг кўплаб қишлоқларида шарбат, консерва, вино, ун, гуруч, ўсимлик мойи ишлаб чиқаридиган, пахтани қайта ишлайдиган корхоналар ва цехлар бунёд этилмоқда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 38 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1998. 1- том. Б. 5- 73.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Дехқон ҳўжаликлари тўғрисидаги Қонуни. Дехқон ҳўжаликлари тўғрисида қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1998. 1-том. – Б. 92-107.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Фермер ҳўжалиги тўғрисида Қонуни. // Олий мажлис ахборотномаси. – Т., 2004. №9. – Б. 22-35.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Қонулар ва фармонлар. –Т.: Ўзбекистон, 1992 йил, -328 б.
- 1.6. —Мулкчиликтўғрисида||гиЎзбекистонРеспубликасинингқонуни. ЎзбекистонРеспубликаси: қонуларвафармонлар-Т:Ўзбекистон, 1992-382 б.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Қишлоқ ҳўжалигида илоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.:, Шарқнашиёт-матбаа концерни, 1998 йил, 2 том, 416 б.
- 1.8. —Фермер ҳўжалиги тўғрисида|| Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 692-II сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-Т.: —PressTJ-Print|| ЁАЖ., 2004. 40-41 сон.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар**

#### **Маҳкамасининг қарорлари**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий илоҳотлар чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида||ги 3226-сонли Фармони. 2003 йил 24 март. // Олий мажлис ахборотномаси. – Т., 2003 №. 3-4. – Б. 65-69.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида||ги 3342-сонли Фармони. 2003 йил 27 октябрь. // Олий мажлис ахборотномаси. – Т., 2003. № 9-10. – Б. 176-179.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлари оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида||ги 4041-сонли Фармони. 2008 йил 20 октябрь. // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 22 октябрь.

- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи 308-сонли Қарори. 2006 йил 23 март.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидағи 842-сонли Қарори. 2008 йил 21 апрель. // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 22 апрель.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи 607-сонли Қарори. 2004 йил 24 декабрь.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорватадбирлари тўғрисидағи 67-сонли Қарори. 2006 йил 21 апрель.
- 2.8. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун хужжатлари - Т.: «Адолат», 1999. 98-115 б.
- 2.9. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун хужжатлари - Т.: «Адолат», 1999. 117-132 б. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июль, №363 «Республика мева-сабзавот хўжалигига монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
- 2.11. «Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-куvvatlash ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1997 йил. 15-март.
- 2.12. «Иқтисодий ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ҳусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.1994 й. ПФ-745 сонли фармони ва унга иловалар. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Тошкент —Ўзбекистон, 1998. 8-19 б.
- 2.13. «Қишлоқ хўжалигига ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 мартағи фармони.
- 2.14. «Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1994 йил 23 феврал. «Халқ сўзи» газетаси 1994 йил 24 феврал.

- 2.15. «Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан кўллаб-куватлаш чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24-сонли қарори. 13.01 1997 й.
- 2.16. «Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан кўллаб-куватлаш чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24-сонли қарори. 13.01 1997 й.
- 2.17. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 438-сонли қарори. 28.08.1994 й.
- 2.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи Фармони. Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва Қарорлар. Т.:Ўзбекистон 1994 йил.
- 2.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида». 28.06. 2003 й. №290 сонли Қарори.
- 2.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи 308-сонли Қарори. 2006 йил 23 март.
- 2.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидағи 842-сонли Қарори. 2008 йил 21 апрель. // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 22 апрель.
- 2.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи 607-сонли Қарори. 2004 йил 24 декабрь.
- 2.23. ЎзР Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-сонли Фармони
- 2.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255 сонли «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини» ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидағи Қарори

### **3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. асалари ва маърузалари**

- 3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

- 3.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
- 3.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 263 б.
- 3.4. Каримов И.А. Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 3.5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. – Т., 2005 йил февраль.
- 3.6. Каримов И.А. Барча ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг асосий мақсади инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 9 февраль.
- 3.7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 3.8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 22 б.
- 3.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 54 б.
- 3.10. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилган мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент-2015йил 19 январ.

#### **4. Китоб ва туркум нашрлари**

- 4.1. Абдуллаев А и др. Методы социално-экономического прогнозирования, Ташкент «Ўзбекистон» 2002. – 265 с.
- 4.2. Бекназов Ю. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Университет» 2005.–1256
- 4.3. Бекназаров Ю. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш. Т.:– «Ўзбекистан» 2000. – 176 б.
- 4.4. Буздалов И.Н., Хатамов К.Х. Эффективность и качество производства сельскохозяйственной продукции. «Узбекистан» Т. 2003. – 148
- 4.5. Эркаев Б.А. Бозор иқтисодиёти. – Т.: 1997. – 176 б.
- 4.6. Турсунхўжаев М. Ниёзов Н. Бозор: иқтисодиёт, тараққиёт ва истиқлол. «Ўзбекистон» 1993. – 64 б.
- 4.7. Шкодин В.С. Организация торговли плодами и овощами. М.:Экономика, 2002. – 166 с.

- 4.8. Чарiev К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Ташкент: Фан, 1992 – 182с.
- 4.9. Дубров А.М., Лагоша Б.А. и др. Моделирование рисковых ситуаций в экономике и бизнесе: Учебное пособие F.M. финансы и статистика, 2001. – 244 с.
- 4.10. Сауханов Ж.К. Аграп секторда ташқи самара (экстрналий)лар таъсирини оптимал тарзда тартибга солиш: и.ф.н. атореферат. – Тошкент, 2011. – 26 б.